

Вафоий XVII асрнинг охири, XVIII аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган шоирдир. Хозиргача унинг девони топилгани йўк. Мунис Хоразмий ўзининг «Фирдавсул-икбол» асарида Вафоий ижодига юксак баҳо беради.

Муниснинг айтишича, Вафоий истеъдодли шоир бўлиш билан бирга наккош ва. яхши бинокор уста меъмор хам эди.

Хива шахридаги бир канча гўзал бинолар унинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида курилган. Шеърлар Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институти кўлёзмалар фондида сакланаётган 7054 инвентарь раками кўлёзма баёздан олинди.

## МУХАММАСЛАР

### МУХАММАСИ ВАФОИЙ

Бир мушт туфрок эрур жисмим бу гамфизода,  
Сакфи хубоб янглиг майхонаи хавода,  
Солмок тйлар оёқдин рўзи шароб бода,  
Ёраб, паноҳ бергил ман зору номурода  
Ким, солди шайтон яна рохи.шаррү фасода.

Бир умр эдию эрдим фориг бу шўру шардин,  
Ёд этмас эрдим асло шамшир ила сипардин,  
Худу таёку жавшан тушмиш эди назардин,  
Эмди нечук чекарман кўл тийг ила табардин,  
Бир чўкли тухматидин бўлди низръ ародা.

Габри мукаддариidor мазхабда номусул-мон,  
Хар бир туки тегинда йз минг хазор шайтон,  
Бир пора халк ичидар муршид ила сипардин,  
Машхурдур бу, оре хар кимга дўнса даврон,  
Дермиш ўзин Сулаймон деву харомзода.

Гар бўлмасанг хароми бу гуфтугу надандур,  
Аслинтни ман билурман, отанг алангудандур,  
Туйникдин тушуб хам кашмири эвгадандур,  
Соҳир кўлунг тегинда бехуш ўлуб ётондур,  
Инсоф килки, мандин аслинг недур зиёда.

Оре, зиёда мандин бир неча меҳнатинг бор,  
Дунёи дун отонгон юз минг фалокатинг бор,  
Бир бошда, эй хабарсиз, сонсиз машаккатинг бор,  
Оинаи дилингда занги кудуратинг бор,  
Гирдобра гарк ўлубсан дарёич можарода.

Отангни гар десам нур, зулматда нур найлар,  
Онангни гар десам хур, дўзахда хур найлар,  
Бу дашти пурбалода жуз талху шўр найлар,  
Биноларинг ёнинда бир чашми кўр найлар,  
Кўр кимдур, исми Вохид, айт, эй сафойи сода.

Харчанд агар Вафодек мўри мухаккири ман,  
Айём гардишинда помоли бистариман,  
Сўз хисрави ўнгинда ё анга чокариман,  
Боргохи базми майдон нодир суханвариман,  
Оллимда шангу урмиш сандек юз минг пиёда.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА ВАФОИЙ МУХАММАСИ

Бўлгали сандин жудо дерманки даврон бўлмасун,  
Моҳ рўйинг бўлмаса хуршиди тобон бўлмасун,  
Лаъли жонбахшингдин айру оби хайвон бўлмасун,  
Сансизин, эй умр, бир соат манго жон бўлмасун,  
Сан бўлу бас, тубии фирдавси ризвон бўлмасун.

Каъбаи ислом ичинда кош хоки дар мани,  
Оташи дайри мугон этгайди хокистар мани,  
Бу гунахдин ким килур меҳроба рўйовар мани,  
Кошига килгоч сужуд ўлтурди ул кофар мани,  
Хеч мўъмин ёри, ёраб, номуслмон бўлмасун.

Бу нечук бедодгардурким килур сарсарни тез,  
Хуни ахли дилдин этти еру кўкни шуълахез,  
Бир кўлида шишаи май, бир кўлида тийги тез,  
Эй кўнгул, масте чикиб шаҳр ичра солмиш рустахез,  
Бир хабар тутким, бизинг бебоки нодон бўлмасун.

Дину имонимни торож этти охир бир гўзал,  
Лаъли Исо, хатти Хизру кўзлари кофир масал,  
Кисмат этмишдур манго бу навъ кассоми азал,  
Ишкида жоним укубатлар била ол, эй ажал,  
То онинг ошиклиги хеч кимга осон бўлмасун.

Лаъли шаккарбор янглиг тебратиб ширин лабин,  
Кўймади мискин Вафога илтифот этмак камин,  
Оби хайвон шарбатин то англа бермаслар текин,  
Дедиким, жон бер, доги ўпгил оёгим туфрогин,  
Ки Навоий, тезрок ўлким пушаймон бўлмасун.

## ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА ВАФОИЙ МУХАММАСИ

Эй ахли хуш, бир дам дунёи бевафода  
Ташхиси неку бад чун хакни кўринг ародা,  
Хар саҳт жонни гамда мандин деманг зиёда,  
Улсайди бандаги гам Фарходи мубталода,  
Бир ох ила верурди минг Бесутунни бода.

Чекдим басе париваш Лайлиларинг жафосин,  
Хеч кимса менча билмас девоналиг адосин,  
Деманг менинг кошимда хар телба можаросин,  
Версайди, ох, Мажнун фарёдиминг садосин,  
Кушми карор эдубдур бошиндаги явода.

Эй дил, не бўлди, гохи бизлар сори гузор эт,  
Гам даштида куюндеқ жисмимни хоксор эт,  
Хуршиддек шуоинг помоли рўзгор эт,  
Сарварлик истар эрсанг афтодалиг шиор эт,  
Ким, душмадан оёга чикмади боша бода.

Гулрухларинг гамидин айлаб баҳор умидим,  
Доги жигардин очмиш минг лолазор умидим,  
Игларга то булатдек килди барор умидим,  
Ашки равонима эл жамъ ўлди, вор умидим  
Ким, ўлди вора-вора жамъиятим зиёда.

Бехуда васли жонон дил айламаз такозо,  
Оlamda xар вужуднинг таъбинчадур таманно,  
Хар бошда бир хаёлу, хар кўзда бир томошо,  
Фарходда завки сурат, Мажнунда сайри сахро.  
Бир роҳат ичра хар ким, онжак манам балода.

Билмон нечук балодур, эй кажкулоҳ, чашминг,  
Келтурди бошга юз минг рўзи сиёҳ чашминг,  
Онинг бу хола одил икки гувоҳ чашминг,  
Гах гамзанг ичмак истар конимни, гоҳ чашминг,  
Кўркум будурки ногах конлар душар ародা.

Ондин бурунки бўлгай олам фано, Фузулий,  
Кўнглингни кил Вафодек бемуддао, Фузулий,  
Жондин кечиб, талаб кил мулки бако, Фузулий,  
Гар кўрмамак тиларсан расми жафо, Фузулий,  
Улма вафоя толиб дунёи бевафода.

## ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА ВАФОИЙ МУХАММАСИ

Дам урди субху пири фикри шоми тор етмазми,  
Етушди манзила маҳмил бу кажрафтор етмазми,

Хазон ўлди томошай гули гулзор етмазми,  
Күнгүл етди ажал завки рухи дилдор етмазми,  
Окарди мўйи сар савдои зулфи ёр етмазми?

Чикарди раҳтини жон саъй ила бозори меҳнатдин,  
Күнгүл хам килди соғ ойинасин зангори меҳнатдин,  
Хануз, эй жисм, турмассен тахи девори меҳнатдин,  
Ётурди бошинги гардун оёга бори меҳнатдин,  
Хаёли халқаи гесуи анбарбор етмазми?

Гулистон ичра дун тушди гузорим субҳ чогинда,  
Ухурди булбуле бу нуктани гулбун будогинда  
Ки, накди умр зоеъ ўлди гулрухлар сўргинда,  
Етар эрди кулога бонги риҳлат даҳр бодинда,  
Не дурмишсен томошай гули гулзор етмазми?

Дило, бехуда ишлардин хадиси тавба такрор эт,  
Кўтар бosh саждадину таквидин, ал чек, сан ор эт,  
Хароботи мугон ичра кириб субҳангни зуннор эт,  
Етар жамъ ила бори маъсият, тагири атвор эт,  
Хаёли халқаи гесуи анбарбор етмазми?

Бу кун кўрдумки тийги ишқ кон тўқмакка мойилдур,  
Кесиб катъ этмаккаким, бошингни ўртарда хосилдур,  
Вафой саъй килким одамий хар ишда кобилдур,  
Фузулий дема етмак манзили максуда мушкилдур,  
Дутан домони шаръи Ахмади Мухтор етмазми?